



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 131 (12.944)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аъло Абдуллаев олган сурат

Юксак маънавият — енгилмас куч

ЁШЛАР ДИЛИДА ЮРТГА МУҲАББАТ СУРУРИ

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ватанимга таянч бўламан!» мавзусидаги иншоолар ва «Мустақил юрт фарзандиман!» шиори остидаги расмлар танловлари истиқлол ёшларининг билим ва салоҳиятини яна бир бор синовдан ўтказди.

Танловларнинг туман (шаҳар) ва минтақавий-худудий босқичларида касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва мактабларда таҳсил олаётган уч ярим миллион нафардан ортиқ ўқувчи-ёш иштирок этди.

Пойтахтимиздаги В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган академик лицейида мазкур танловнинг мамлакат босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Юртимизда истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим олиши, эркин иход қилиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, ўзи қизиққан соҳалар бўйича касб-хунар ўрганиши учун қулай имкониятлар яратиш борасидаги ишлар йигит-қизларнинг юксак марраларни қўлга киритишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда дастуруламал бўлаётир.



Президентимиз раҳнамолигида Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, уларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масаласи доимий эътиборда. Бу жараёнда ўғил-қизларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган ижодий лойиҳаларнинг аҳамияти беқиёс.

Бугунги шиддатли ва таҳликали давр навқирон авлодни миллий қадриятларимизга ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан асраш, уларни ҳалқимизнинг азалий қадриятларининг нуносиб давомчилари этиб вояга етказишни талаб этмоқда. Бу миллий истиқлол ғояси руҳига уйғун танловларнинг нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Иқтидорли болаларнинг она Ватанимиз, оила, мактаб, маҳалла каби мавзулардаги ижодий ишлари, юртимизнинг бетакрор табиат манзаралари акс эттирилган суратлари мутахассислар томонидан баҳолаб борилди.

— Танлов давомида тенгдошларимнинг қизиқарли иншоолари ва чизган расмлари билан танишдим, — дейди ЎЗА мухбирига Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 19-умумтаълим мактаби ўқувчиси Сарвиноз Қурбонова. — Бу ишлар менда катта таассурот қолдирди. «Ватанимга таянч бўламан!» мавзусидаги иншоолар танловида фахрли ўринлардан бирига сазовор бўлганимдан хурсандман. Бу рағбат бизни янада кўпроқ ўқиб-изланишга, Ватан келажаги йўлида масъулиятни ҳис қилиб яшашга ундайди.

Танлов якунида «Энг эзгу ғоя» ва «Миллий қадриятлар» номинациялари бўйича ҳам ғолиб ўқувчи-ёшлар рағбатлантирилди. Уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Барно МЕЛИКУЛОВА

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдида

ВАТАНИНГ КУЙЛАШ БАХТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабалар ўртасида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг мамлакат босқичи ўтказилди.

Тадбирда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўринбосари М.Иноятов, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари Ҳ.Раҳимов ва бошқалар мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган, қалби ғурур-ифтихорга тўла, билимли, юксак маънавиятли авлодни вояга етказиш Президентимиз Исроҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилётган кенг қўламли ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йилдан буён ўтказиб келинётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» танлови Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиқдек асраш, шаъну шавкатини юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидойилик кўрсатиш каби эзгу туйғуларни ёш авлод қалбига камол топтиришга хизмат қилмоқда. Мазкур танлов натижасида янги-янги истеъдод эгалари кашф этилиб, замонавий кўшиклар ҳалқимиз эътиборига ҳавола қилинмоқда. Ўтган йилларда танловда муваффақиятли қатнашган ёшлар бугунги кунда миллий, мумтоз, ҳаёлот муқосса ва эстрада санъати йўналишларида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу танловнинг ҳар йили истиқлол айёми арафасида ўтказилишида катта маъно мужассам.

Зеро, эркин ва озод ҳаётимиз, онгу тафаккуримизда кечаётган ижобий ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда қўлга киритаётган улкан ютуқларимиз энг улуғ, энг азиз неъмат — мустақиллик туфайлидир.

Танловнинг якуний босқичида худудий босқичларда ғолиб бўлган 14 олий ўқув юрти жамоаси жаннатмонанд диёримиз, ҳалқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, бебаҳо маънавий меросимиз, ўлмас қадриятларимиз, истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқларини тараннум этди. Иштирокчилар ижросини баҳолашда кўшиқлар матни, куй ва ижро уйғунлиги, хонанданинг сахна маданияти каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ давлат университети, Қарши давлат университети жамоалари биринчи, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоалари иккинчи, Қўқон давлат педагогика институтини, Тошкент ирригация ва мелiorация институтини жамоалари учинчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

XXI аср саҳоси

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоийда «Инновацион ғоялар» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Навоий вилояти худудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Навоий давлат педагогика институтлари ҳамда бир қатор корхона, ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда саноат, соғлиқни сақлаш, информатсион технологиялар, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 30 дан ортиқ инновацион технология ва лойиҳа тақдим этилди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Бутунжаҳон ғуфокан қаратдо федерацияси раҳбари Илья Йорга Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитасига ташриф буюриб, мухташамлиги жиҳатидан дунёда ягона бўлган ушбу бинода яратилган шароитлар ҳамда Ўзбекистон МОҚ қошида ташкил этилган Республика тиббий-биологик марказида спортчиларга юқори сервис хизматини кўрсатиш борасида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.

● Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан Гиёҳвандликка қарши кураш ойлги доирасида Ургут туманидаги Мирзабоғлон-Чеп маҳалласида ўтказилган учрашувда ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, вилоят наркология диспансери шифокор-мутахассислари юртимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар, мазкур турдаги жиноятлар учун белгиланган жавобгарлик чоралари, наркотик моддаларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳақида маълумот берди.

● Бухорода 2001-2006 йилларда туғилган қизлар ўртасида бадиий гимнастика бўйича аънавий «Олимпиада умидлари» республика турнири бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада барча вилоятлардан 140 нафар ёш гимнастикачи иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Франциянинг шимолий қисмида жойлашган Сомма департаментидagi аттракционлар богига кучли портлаш рўй берди. Натижада икки киши тан жароҳатлари олди, шунингдек, 15 та боланинг баданлари куйинди. Ҳозирча портлаш сабаблари номаълум.

● Покистоннинг жанубий қисмида ҳукм сураётган жазирама иссиқ 782 кишининг умрига зомин бўлди. Улардан 744 нафарини Карачи шаҳрида яшовчи кишилар ташкил этди. Шу кунларда Карачи шаҳридаги ҳарорат Цельсий бўйича 45 даражагача кўтарилмоқда.

● Испания маъмурлари героин гиёҳвандлик моддасини Колумбиядан АҚШга яширинча элтиш учун кучукчалардан контейнер сифатида фойдаланган ветеринар Андреас Лопес Элорзни хибсга олишди.

● Сочининг Адлер районида ва Хоста районининг Кудебста шаҳарчасида кучли жала куйиши ва худудларни сув босиши натижасида фавқуллодда ҳолат режими жорий этилди.

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТАДИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти ва Давлат бошқаруви академияси ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбар ва ходимлари, ахборот соҳаси мутахассислари ҳамда экспертлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институти вакиллари иштирок этди. Шунингдек, Корея Республикаси, Япония, Хитой Халқ Республикаси, Австралия, Латвия ва Грузиядан ахборот технологиялари соҳаси экспертлари қатнашди.

Давра суҳбатда мамлакатимиз Миллий ахборот-коммуникация тизимини босқичма-босқич ривожлантириш, ахборот соҳасига доир миллий қонунчиликни изчил такомиллаштириш, давлат бошқарувини модернизация қилиш ва жамиятни демократик янгилашда замонавий ахборот-

Тошкентда «Давлат бошқарувини модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштиришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни» мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди.

коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, давлат ва жамият қурилиши жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш борасидаги халқаро тажриба муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Сарвар Отамуротов, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Хуршид Мирзохидов ва бошқалар замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, уларни давлат бошқаруви ва иқтисодиётимизнинг барча соҳаларига татбиқ қилиш Ўзбекистон давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Бунинг самарасида мамлакатимиз мустақил тараққиёт йилларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида халқаро

миқёсда эътироф этилган минтақада етакчи давлатга айланди.

Президентимиз Исроҳ Каримов томонидан илғори сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасидаги ислохотларнинг мантикий давоми бўлди. Концепцияда белгиланган муҳим вазифалар инobatга олинган ҳолда, давлат органлари, фуқаролар ва ташкилотларга ахборот жамияти шароитида фаолият кўрсатиш имконини берадиган меъёрий-ҳуқуқий ва услубий база изчил такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун эса ахборот хизматлари кўрсатишнинг ягона стандартлари жорий этилмоқда. Ушбу хизматлар ресурслар, маълумотлар базаси ва ахборот тизимларининг юқори даражадаги ахборот хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашади.

— Ўзбекистонда аҳоли турмуш сифати ва даражасини кўтариш мақсадида барча соҳаларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга катта эътибор қаратилаятгани қувонарлидир, — дейди «Huawei Technologies Co.Ltd» тармоқларини ривожлантириш ва бизнес бўйича консалтинг президенти Пол Майкл Скэнлан (Хитой). — Компаниямиз Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётганига 15 йилдан ошди ва дастурий ишланмалар учун катта миқдорда маблағ сарфламоқда. Президент Исроҳ Каримов томонидан ахборот-коммуникация технологиялари тизимларини ривожлантириш бўйича инновацион ва илғор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда «электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш ва кенг қўлашга қаратилган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурининг бу борадаги ўрни ва аҳамияти алоҳида қайд этилди. Ушбу дастур аҳолининг давлат ҳокимияти органлари билан электрон шаклда ҳамкорлик қилишнинг таъминлаш, давлат бошқаруви тизимига «бир ойна» тамойилини жорий этиш каби вазифаларни ҳал этишни ўз ичига олади. Дастурда ахборот тизимлари комплекслари ва «электрон ҳукумат» тизимининг маълумотлар базасини яратиш бўйича тадбирлар ҳам белгиланган.

(Давоми 2-бетда)



Ислом Исмоилов олган сурат

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унга мувофиқ, мамлакатимизда бизнес жараёнларини автоматлаштириш, инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган кенг қўламли лойиҳалар амалга оширилади.

– Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида Ўзбекистон тажрибаси билан яхши танишман, – дейди ЎЗА муҳбирига Рига халқаро олий иқтисодий ва амалий маъмурияти раҳбари, таълим ва ишбилармонлик бўлими директори Ина Гудель (Латвия). – Мамлакатингиз ушбу соҳада салмоқли ютуқларга эришмоқда. Негаки, ушбу йўналишдаги энг яхши жажон тажрибасини амалиётга татбиқ этмоқда. Ўзбекистонда «бир ойна» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш омаллаштириш бормоқда ва бу мамлакатингизда бизнес юритиш ҳамда инвестициялар жалб қилиш учун қўлай шароитлар яратмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги, ошқоралиги ва ишончилигини таъминлаш, уларнинг аҳоли

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТАДИ

билан ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди. Айни пайтда «Электрон ҳукумат» тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришни янги босқичга кўтариш имконини беради.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги самарали ҳамкорлик натижаларига ҳам эътибор қаратди. Бугунги кунда «Электрон ҳукумат»ни ривожлантириш, ахборот-коммуникация соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлига қўйиш ва бошқа йўналишлар бўйича қўшма лойиҳалар ва тадбирлар амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилди.

– Ўзбекистон қисқа вақт ичида «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этишда катта ютуқларга эришди, – деди Корея тадқиқотлар ва минтақаларини ахборотлаштиришни ривожлантириш институтининг катта директори Жин Ван Со (Корея Республикаси). – Давлат хизматларининг онлайн режимига ўтқа-

зилиши фуқароларнинг улардан фойдаланишини энгиллаштириш бораберида вақт ва маблағ тежаш имконини беради.

Иштирокчилар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига «бир ойна» тамойили бўйича интерактив давлат хизматлари кўрсатаётган Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолияти билан таништирилди. Бугунги кунда портал йўналишдан ортиқ йўналиш бўйича 240 дан зиёд интерактив хизматдан фойдаланиш имконини беришмоқда. Давлат хизматларини қамраб олиш даражаси кенгайтирилди, бу борадаги вазибалар тақомиллаштирилган ҳолда янада ривожлантирилмоқда.

Тадбирда бугунги шароитда ахборотдан кенг фойдаланишни таъминлашнинг омилли сифатида телекоммуникация технологиялари, алоқа тизимлари, тармоқлари ва инфратузилмалари, рақамли телевиденини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва бошқа масалаларга бағишланган маърузалар муҳокама қилинди.

Мехрибон МАМЕТОВА

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги замон, кундан-кун янгиланаётган технологиялар журналистлардан янада фаол, юксак билим ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлишни талаб этмоқда. Бундай талабларга тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама етук, мустақил дунёқарашга эга мутахассисларни тайёрлаш устувор вазифалардан.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — СОҲА ИСТИҚБОЛИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ушбу йўналишда фаолият юритаётган етакчи таълим муассасаларидан биридир.

Мазкур университетда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан малакали журналист кадрлар тайёрлашда таълим муассасалари ва тахририятлар ҳамкорлигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Университет ректори Ғ.Муҳамедов ва бошқалар Президентимиз Исроҳим Каримов раҳнамолигида барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, юрдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришнинг халқаро андозаларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси Конститу-

туцияси, ўнга яқин қонун ва бошқа ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Таълим муассасасининг журналистика факультети ва олий журналистика курсида ҳар йили бир юз ўттиз нафардан ортиқ мутахассис тайёрланмоқда. Университетда таълим жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, таълим ва амалиёт жараёнини узвий олиб бориш учун барча шарт-шароит яратилган. Талабаларнинг амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадига етакчи тахририятлар, телерадиоканаллар, ахборот агентликлари билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Тадбирда журналист кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, журналистик таълимнинг ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА муҳбири

Пойтахтимизда Ўзбекистонда маъмурий юстицияни ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

МАЪМУРИЙ ЮСТИЦИЯ:

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Адлия вазирлиги томонидан Германия халқаро ҳамкорлик жамияти(GIZ)нинг «Марказий Осиёда ҳуқуқий давлатчиликка қўлашмоқ» дастури билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари ва маъмурий қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб йўналишлари муҳокама этилиб, бу борадаги халқаро тажриба кўриб чиқилди. Олий ва Олий ҳужжатли суди, Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти судлари судьялари, адлия органлари вакиллари, мамлакатимизда ҳамда халқаро экспертлар ушбу масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Тадқиқот маркази директори Н.Жўраев ва бошқалар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари, жумладан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда юзага келадиган тортишувларни ҳал этишга қаратилган маъмурий юстиция тизимида ҳам изчиллик билан амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистонда маъмурий юстиция тизимининг самарали фаолият юритиш учун яратилган ҳуқуқий асослар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини судда ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилаётгани қайд этилди. Нафақат фуқаролар, балки юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар манфаатлари ҳам маъмурий юстиция соҳасига қиради.

Конференцияда миллий суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич модернизация қилиш ва такомиллаштириш ўз самарасини бераётгани ҳақида ҳам сўз юритилди. Умумий юрисдикция судлари иختисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилган, кассация инстанцияси ислох қилиниб, суд ишларини қайта қўришнинг апелляция тартиби жорий қилинган, жиноятлар тасни-

фи ўзгартирилиб, ярашув институти татбиқ этилгани ушбу жараёнларнинг муҳим босқичлари бўлди. Шунингдек, тергов ва шахснинг қамоқда сақлаш муддатлари қисқартрилди, прокурор фаолияти ислох этилиб, адвокатурани институти такомиллаштирилди, ўлим жазоси бекор қилинди, «Хабас корпус» институти жорий этилди, эътиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда ушбу йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларга қўшма қўл бериш берди. Хусусан, суд назоратини кучайтириш, жиноят процессини ҳимоячи ва айбловчининг ўзаро тортишувини таъминлаш тизими ҳамда механизмларини такомиллаштириш мақсадида «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳаси янада кенгайтирилди. Бу ўринда судга қадар иш юритув босқичида қўлланиладиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасаларга жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколатлари судга ўтказилди.

– Суд-ҳуқуқ тизимининг бу тарзда инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштирилганлиги Ўзбекистоннинг демократияни ривожлантириш йўлидан оғишмай бораётганидан далолатдир, – деди Германия халқаро ҳамкорлик жамияти(GIZ)нинг «Марказий Осиёда ҳуқуқий давлатчиликка қўлашмоқ» дастури директори Йорг Пуделька. – Дастуриимизни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш судлари иختисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилган, кассация инстанцияси ислох қилиниб, суд ишларини қайта қўришнинг апелляция тартиби жорий қилинган, жиноятлар тасни-

(ЎЗА)

Касаба уюшмалари фаолиятдан УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Миллий университетда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтди.

Унда 100 нафар делегат ва 20 нафар юқори касаба уюшма ташкилотлари, Тошкент шаҳар Халқ таълими, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаларининг мутасадди вакиллари иштирок этди.

Дастлаб Касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳар бўйича масъул ташкилотчиси томонидан 2013 йилнинг февраль ойидан 2015 йилнинг июнь ойигача бўлган даврдаги Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар ташкилотларининг фаолияти юзасидан Абдуҳалил Раҳмоновнинг ҳисоботи тинганди.

Ҳисобот давомида касаба уюшмаси томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, турли маданий-маърифий ва спорт тадбирларига кенг жалб этиш борасида олиб боришган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Бунда, асосий эътибор, амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар ечимига, касаба уюшмаларининг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда олдинда турган вазифаларга қаратилди.

Республикаимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Бугунги кунда тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар ташкилотчиси томонидан 1060 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти мавжуд бўлиб, ўз сафига

198005 нафар аъзони бирлаштиради. Улардан 78498 нафари ишловчилар, 119506 нафари олий ўқув юртлири талабалари, коллеж ва лицей ўқувчилари. Ўтган даврда 156 та нодавлат сектори ташкилотларида бошланғич ташкилоти тузилди ва 748 нафар ходим касаба уюшмаси аъзоллигига қабул қилинди. Бугунги кунда Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларининг 516 та халқ таълими ва ўрта махсус таълим муассасалари бошланғич ташкилотининг фаолияти низоми бўйича намунали тарзда ташкил этилган.

Сўнгги икки йил ичида таълим муассасаларида фаолият кўрсатиб келаётган ходимларнинг оила аъзолари учун йўлланмаларнинг берилиши ҳам ходимлар учун қувонarli ҳолга айланди. Касаба уюшмаси томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан нафақат ходимлар, балки 2013 йилдан буён уларнинг оила аъзоларининг дам олишлари учун имконият яратилди. Ҳисобот даврида таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашлари, бошланғич ташкилотларга ёки Тошкент шаҳар ташкилотларидан юқори касаба уюшма ташкилотларига 15215 та ёзма, 1638 та озғак муносабатлар бўлди. Улар ўрганиб чиқилиб, ҳал этиб боришмоқда.

Конференцияда сўзга чиққанлар фаолиятни янада яхшилаш юзасидан тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зиёда РАСУЛОВА

Тадбирлар

ЗАМОНАВИЙ ВА ҚУЛАЙ УСУЛДА

Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан Республика Молия вазирлиги ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тадбир уюштирилди.

Унда қорхона-ташкilotлар ҳисобчилари, молия соҳаси мутахассислари иштирок этишди. Тадбирда қорхона-ташкilotлар, муассасалар ҳисобчиларининг ҳисоб ишларини юритишда замонавий усуллардан самарали тарзда фойдаланишлари лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Маълумки, кейинги пайтларда бухгалтерия ҳисоботини ҳисобчиларнинг замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрлашлари талаб этилмоқда. Яъни, эндиликда ҳисобчилар молия муассасаларига, банкларга, солиқ идораларига ҳисоботни онлайн интернет тарзида тайёрлаб топширмоқдалар. Қувонарлиси, ҳисобчилар учун Республика Давлат солиқ қўмитаси томонидан ўқув курслари ҳам ташкил қилинган.

Тадбирда бу борадаги ишларни янада жонлантириш ҳамда келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан режалар белгилаб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Тошкентда «Қонунларни ижрочилар ва аҳолига етказиш бўйича халқаро тажриба: амалий жиҳатлар ва ҳуқуқий тартибга солиш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, қатор вазирлик ва идоралар, БМТ Тараққиёт дастури ва ЕХТТ лойиҳалари мувофиқлаштирувчисининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбати мамлакатимиз парламенти аъзолари, ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари масъул ходимлари, ҳуқуқшунослар, фуқаролик жамияти вакиллари, халқаро экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимларининг фикр алмашиши учун ўзига хос платформа бўлди. Унда АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Озарбойжон, Испания, Латвия, Польша, Сербия каби мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси муҳокама қилинди.

Тадбир иштирокчилари аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асослари ҳусусида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш долзарб аҳамият касб этишини таъкидлади. Фуқароларда қонунларни ҳурмат қилишни шакллантириш ушбу ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилиши ва амалда қўлланилишининг муҳим омилли экани алоҳида қайд этилди.

Миллий экспертлар Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонунда Конституция ва қонунлар устуворлигини принципи мустаҳкамланганини таъкидлади. Конституциямизга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши, уларни қўллаш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни матбуотда эълон қилиши шарт.

Президентимиз Исроҳим Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлашда янги босқични бошлаб берди. Концепцияга мувофиқ қабул қилинган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқимизда ва иқро тузилмаларининг қонунлар ижроси ҳамда устуворлигини таъминлашдаги масъулиятини янада оширди.

Халқаро давра суҳбати иштирокчилари ахборот соҳасини янада ислох этиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш доирасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонунига алоҳида эътибор қаратди. Ушбу қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишнинг таъминлаш масаласи ҳал этилган, улар фаолияти ҳақидаги ахборотни тарқатишнинг янги тартиби белгиланган.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган, ушбу ҳужжатни апробация қилиш бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий тажриба ўтказилди. Қонун норма ва талабларининг кенг муҳокама этилиши ҳамда бу борада жамоатчилик ва мутахассислар фикрини ўрганиш натижасида қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир тақлиф ва тавсиялар тайёрланди.

– Аҳолининг янги қонун ёки ҳужжатлар ҳақида хабардорлигини ошириш Европа Иттифоқи давлатлари учун ҳам долзарб масала ҳисобланади, – деди Гранада университетининг маъмурий ҳуқуқ профессори Алонсо Хуан Хосе Гутierrez (Испания). – Янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида Европа Иттифоқи аҳолисига турли оммавий ахборот воситалари орқали олдиндан ахборот тақдим этилади. Бундан қўзланган мақсад аҳоли турли қатламлари ушбу лойиҳалар билан таништириш ва уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишдир. Бугунги давра суҳбатида Ўзбекистонда ушбу амалиёт муваффақиятли қўлланилаётганидан хабардор бўлдик. Менимча, бу аҳолининг давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол иштирок этаётганидан далолатдир.

Шунингдек, тадбирда ҳуқуқий қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини юритиш вазирлик ва идораларнинг асосий вазифаси экани ҳақида фикр алмашилди. Бу жараёнда прокуратура органлари муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда янги қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, амалга оширилаётган ислохотлар ҳақидаги ахборот кенг жамоатчиликка турли йўл ҳамда воситалар орқали етказиб берилмоқда. Жумладан, бунинг учун йиғилиш, учрашув, матбуот анжумани, брифинг, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда, зарур ахборот ва қонун лойиҳалари вазирлик ва идоралар веб-сайтларида жойлаштирилмоқда.

Шу билан бирга, тадбир қатнашчилари қонунлар ижросини таъминлаш аҳоли билан ўзаро ҳамкорлиқнинг интерфасл усулларидан кенг фойдаланишни талаб қилишини қайд этди. Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг бу борадаги ишлари эътиборга сазовордир. Жисмоний ва юридик шахслар портал орқали давлат органларига муносабат қилиш имконига эга бўлаётди. Шу йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик фаолиятига оид янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ушбу порталда кенг муҳокама учун жойлаштирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тайёрланаётган қонун лойиҳаларининг ҳаммаси жамоатчилик томонидан кенг муҳокама этилиши учун вазирлик ва идоралар веб-сайтларида эълон қилиниши шарт. Бу талаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 11 майдаги «2015 йил учун қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастури тўғрисида»ги қарорига мустаҳкамланган.

Корея Республикаси Миллий ассамблеяси таъдидот хизматининг эксперти Енг Чан Кимнинг фикрича, бундай чора-тадбирлар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш самарадорлигини таъминлайди. «Жанубий Кореяда қонун ҳужжатини қабул қилишдан аввал у кенг муҳокамадан ўтказилади. Бу эса барча қонунлар аҳоли манфаатларига, давлат ва жамиятни барқарор ривожлантиришга хизмат қилишга эришишга ёрдам беради. Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги тажрибаси эътиборга лойиқдир», деди хорижлик мутахассис.

Тадбирда Ўзбекистонда янги қонунлар, қонун тўпламларини чоп этадиган расмий манбалар фаолият кўрсатаётгани таъкидланди. Бу борада Адлия вазирлиги томонидан яратилган Lex.uz миллий қонунчилик базаси, «Norma» ва «Yurida» ахборот-ҳуқуқий тизимларидан умумий фойдаланилмоқда, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», ҳуқуқий адабиётлар чоп этилмоқда.

– Оммавий ахборот воситалари аҳолига қонунлар мазмун-моҳиятини етказишда алоҳида ўрин тутди, – деди «Boston Herald» газетаси сиёсий шарҳловчиси Рашель Коэн (АҚШ). – Улар орқали янги қонунлар, амалдаги ҳужжатларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида аҳолини хабардор қилиш жуда қўлай ва самаралидир.

Тадбирда қонунларнинг амалга оширилиши алоҳида бир ташкилотнинг вазифаси эмас, балки барчанинг умумий ишига айланиши лозимлиги ҳақида фикр билдирилди. Ушбу йўналишдаги фаолиятни янада такомиллаштиришга доир аниқ тақлифлар ишлаб чиқилди. Иштирокчилар «Адолат» нашриётининг китоб ярмаркаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси китоб фондидagi ҳуқуқий адабиётлар, шунингдек, мамлакатимиздаги мавжуд ахборот-ҳуқуқий тизимлар билан таништирилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

...Қишлоғимизда Турсун ота исмли моҳир чилангар бор. Ёлғиз яшовчи отахоннинг ҳовлисида кичик устахонаси бўлар, синфдошим Шохруҳ чилангарликни ўрганиш учун уникига қатнард.

Яқинда синфдош дўстим қўнғироқ қилиб, бир хуш-хабарни айтиб қолди. У ўзига устозлик қилган Турсун отани оиласига қўшиб олибди. Устоз-шогирд ҳозирги кунда нафақат қишлоқнинг, балки туманнинг қўли гул чилангарларидан экан. Мен билган ёлғиз кексанинг энди ўз оиласи бор. Бу халқимизга хос эзгу фазилат — бағрикенгликнинг яққол намунасидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик мустақам қарор топди. Катталарга ҳурмат, кичикларга эззат, меҳр-оқибат туйғуларини одамлар қалби ва шуридан чуқур жой олмоқда. Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини бажариш, бугун ёнимизда юрган, элу юрт тинчлиги ва раънақи йўлида хизмат қилган нурунийларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Бу борада «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар филиали томонидан турли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатиш, турмуш шароитларини яхшилашга қўмаклашиш мақсадида «Нурунийлар эъзозимизда» патронаж ёшлар ҳаракати ташкил этилган.

Тошкент шаҳрида 497 патронаж ёшлар гуруҳи фаолият қўрсатмоқда. Шу пайтгача шаҳардаги Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти катнашчилари, ёлғиз

қариялар ҳолидан хабар олиниб, турмуш шароитларини яхшилашга қўмаклашилади. Биргина ўтган ойда ёшлар гуруҳлари томонидан 120 нафардан ортик уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексаларнинг уй ишларига ёрдам берилди.

Эрталаб ишга ёки ўқиган отланганимизда бобо ёки бувиларимизнинг дуога қўл очиб, ишимизга унум, борака тилашидан кун бўйи қўнғилимиз тоғдек бўлиб юра-

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

НУРУНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

миз. Чунки бир оғизгина ширин сўз одамнинг чарчоғини ёзиб юборади, руҳини тетиклаштиради, ишига унум бағишлайди. Қариси бор оилаларда файзу борака, тинчлик-хотиржамлик, тўқинлик бўлишининг сабабларидан бири ҳам аслида шунда.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида яшовчи Эргаш бобо Раҳимбердиев хонадонидagi ўзбекна муҳитдан дилингиз яйрайди. Отаҳон бу йил 85 ёшни қаршилади. Рафқаси Саноат ая Раҳимбердиева билан олти фарзандни ўстириб, эл сафига қўшди. Уларнинг ҳечрасида бугунги ҳаётдан шукроналик, дорилмон кўнларининг роҳат-фарогатидан шодумонлик туйғуси аримайди.

Эргаш бобо ва Саноат ая невараларини ардоғида. Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан ёши улуг инсонларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик бар-

ча нурунийларимизнинг қўнғилини кўтармоқда. Табар-рук кексаларимизнинг дуою ўғитини тинглаб улғаяётган ёшлар эса билим олишга, ҳунар эгаллашга интилиб яшамоқда. Бундан хонадонларга янада файз-барака инмоқда.

— Халқимизнинг бугунги бахтиёр, фаровон ҳаёти мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик туфайли, — дейди Эргаш бобо. — Иккинчи жаҳон уруши бошланганда 11 ёшда эдим. Катталар фронтда, биз, ёшланг пахта даласида ўсдик. Кўп қийин кўнларни бошимиздан ўтказдик. Ҳозир мустақиллигимиз туфайли хонадонимиз тинч, дастурхонимиз тўқин, ҳаёти-миз фаровон. Бунинг қадрига етиш, асраб-авайлаш ёшу кекса — барчанинг бурчи. Биз, фахрийларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, фарзандларимиз келажаги йўлида қилинаётган олижаноб ишлар учун Ўртбошимиздан миннатдоримиз.

Катталарга эззат, кичикларга меҳр, ота-оналарга эъзоз каби инсонни улуглайдиган, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол қиладиган қадриятларимиз одамлар, айниқса, ёшлар қалбидан чуқур ўрин ола бошлагани кишини қувонтиради.

Зеро, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, бугун турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўтабар қарияларимизнинг унутилмас ва улкан хизмати борлигини, биз улар олдида умрбод қарздор эканлигини унутмаслигимиз, қўлимиздан келганича уларнинг оғирини енгил, умрини ўзоқ қилишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим.

(ЎЗА)

Тиббиёт

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, имконияти чекланган ногирон болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Ҳар доим «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан юртимиздаги кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ногирон болалар тиббий кўриқдан ўтказилади. Қувонарлиси, айрим бемор болалар германиялик шифокорлар иштирокида аниқ ташхис асосида муолажа қилинади. Дарвоқе, икки томонлама ҳамкорлик туфайли қанчадан қанча бемор болалар Германия клиникаларида даволаниб келаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли.

Қуни кеча яна Германиядан малакали шифокорлар шахримизга етиб келишди. Энди улар маҳаллий шифокорлар ҳамкорлигида аввал пойтахтимиздаги шифо масканларида бемор болаларни даволашади, кейин вилоятларга сафар уюштириб тиббий ёрдамга муҳтож болаларга қўмак беришади.

(ЎЗ мухбиримиз)

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси «Чинор» Экологик ноширлик компанияси, «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди, Икарда ва Обсе халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг экологик сайёҳлик имкониятларини намойиш этиш ҳамда Ўзбекистоннинг муҳофаза қилинадиган ҳудудларида олиб борилаётган ишлар, эришилган ютуқлари билан танишиш мақсадида навбатдаги экологик медиатурни Жиззах вилоятида ўтказди.

ЭКОЛОГИК САЙЁҲЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистоннинг етакчи ОАВ (босма нашрлар, интернет манбалар, радио ва телевидение) вакиллари ҳамда экспертлар сифатида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва Жиззах вилояти Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари жалб этилган ушбу тадбир иштирокчилари дастлаб, Зарафшон қўриқхонаси ҳудудида бевосита айланиб, муҳофазада бўлган ва эркин ҳолда яшаётган бир қатор кийиклар тўдаси ҳаёти билан танишдилар, қўриқхона мутахассисларидан хашаротларнинг 88 тури (уларнинг 2 тури Ўзбекистоннинг «Қизил китоби»га киритилган). Зарафшон дарёсида балиқларнинг 18 тури (улардан 2 тури Ўзбекистоннинг «Қизил китоби»га киритилган), фаунанинг 10 тури, сўт эмизувчиларнинг 24 тури мавжуд эканини билиб олдилар.

Сўнг қуруқ ва илиқ континентал климатга эга Нурота қўриқхонасига сайёҳат уюштирилди. Бу ерда йилига 300-400 мм ёғингарчилик бўлади. Баҳорда илиқ ва очик ҳаво тез-тез давомли сел билан алмашиниб туради, кўп ҳолларда туманлар, момақалдирок, ҳароратнинг совиб кетиши ва қор ёғиши кузатилади. Ёз давомли, иссиқ ва қуруқ. Кузда илиқ ва қуруқ об-ҳаво шабадда, туманли ва ёғингарчилик билан алмашиниб туради. Қўриқхона ҳудуди мураккаб рельефга эга. Сув тақсимлаш қиррасининг ўзига хос юмшоқ қўриниши, нисбий паст жанубий қиялиқлар ва қояли, нишаб, кўп сонли тоғ сойларининг водийлари билан таралган шимолий қиялиқлар мавжуд. Тоғларнинг этакларидаги тоғ ёнбағирлари адирларга улашиб боради.

Зарафшон ва Нурота қўриқхоналаридаги мулоқотларда, ушбу ҳудудларга ҳали сайёҳларнинг оммавийлаштиши борасида яна бир қатор ташкилий ишларни амалга ошириш зарурлиги ҳақида ҳам гап борди. Қўриқхоналар раҳбарлари, ўтган йили бу ҳудудларга ўтказилган экологик медиатурлар жараёнида тавсия этилган, ҳозирча амалиёти унча сезилмаётган, лекин, ўта фойдали услуб — «Экологик сўқмоқ» усулини биринчи навбатда ўқувчилар учун ҳаётга татбиқ этиш ҳақида сўз юритдилар.

Тадбир якунида «Чинор» экологик ноширлик компанияси раҳбари Мурод Носиров «Атроф-муҳит муҳофазаси ва Барқарор тараққиёт соҳасидаги энг яхши журналистик ишлар бўйича Қоплон — 2015» республика кўрик-танлови бошланганини эълон қилди.

Ушбу сермазмун сафардаги катта таассуротлардан илҳомланиб ижод қилишга бел боғлаган журналистлар, яна шундай тадбирларда учрашгунча, деб пойтахтга етиб келдилар.

Мирқарим МИРСУВУРОВ, «ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи

Ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, уларнинг маънавияти, бадий-эстетик диди ва савиясини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда мамлакатимизда ўтказилаётган кўрик-танловлар, ижодий лойиҳалар, фестиваль ва концертлар ўғил-қизларни юксак инсоний фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ИҚТИДОРЛИЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида маданият ва санъат йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари ҳамда мусика академик лицейлари ёш ижрочиларининг республика кўрик-танловининг ташкил этилишида қўланган асосий мақсад юртимизда ёшларга яратилган имкониятларни тарғиб этиш, уларда ҳам ватанпарварлик, фидойилик ҳислатларини янада кучайтириш, ўғил-қизларнинг истеъдодини қўллаб-қувватлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, ушбу кўрик-танлов ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинади ва ёш иқтидор эгаларини аниқлаб беришга, ёшларни мусикага, танлаган касби йўлида мукамал мутахассис бўлиб етишишга имконият эшиклари очиб беришга.

Истеъдодли ёшларнинг маҳорат билан қўйлаган куй-қўшиқлари баҳри-дилингизни очади. Уларни кузатсангиз юртимизда қанчадан-қанча ёш иқтидорлар борлигига ғувоҳ бўласиз.

Ушбу кўрик-танлов босқичма-босқич ўтказилиб, финал йўлланмасига энг тиришқоқ, истеъдодли ўқувчилар танлаб олинди.

Дарҳақиқат ҳар бир йўналишда қизгин рақобат авж олди. Муросасиз ўтказилган кўрик-танловда ғолиблар аниқланди.

Ана шулардан «Анъанавий хонандалик», «Анъанавий ижрочилик», «Эстрада хонандалиги», «Фортепиано», «Эстрада чолғучилиги», «Академик хонандалик», «Дамли ва урма зарбали чолғулар», «Торли чолғулар», «Хореография санъати», «Театр санъати», «Фольклор санъати», «Халқ чолғулари» йўналишлари бўйича биринчи ўрин олганларнинг номлари эълон қилинди ҳамда улар имтиёзли равишда олий санъат ва мусика билим юртларида ўқиш учун йўлланмага сазовор бўлдилар.

— Бугун мен «Эстрада чолғучилиги» йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаганимдан жуда ҳам хурсандман, — дейди Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейи ўқувчиси Баҳодир Абдураббев. — Келажада устозларимнинг ишончини оқлаб, эл севган санъаткор бўлиб етишишга ҳаракат қиламан.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА, Бегзод ЗОКИРОВ
Алексей Попов олган сурат



киради, кетидан ёшларни ўзига эргаштиради, хорижий давлатларда қўлланилаётган технологияларни тақдим этади. Болага илк ёш давридан бошлаб санъатнинг бу турини ўргатиб борсақ, келажада у ўз оилавий ҳаётида бу ҳунардан фойдаланади. Мактаблар қошидаги оромгоҳда ўқувчи бор-йўғи 10 кун дам олади. Аммо ана шу қисқа муддатда тўғарак раҳбарларининг билим ва тажрибасини пухта ўзлаштириш имкониятига эгадир, — дейди Гулноза Асранова.

Мактаблар қошидаги оромгоҳда биринчи мавсум мазмунли ташкил этилди, иккинчи мавсумга 2017-умумтаълим мактабининг бошқа ўқувчилари қабул қилинди.

Хулқар КУЗМЕТОВА

ВЕНАДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОНДАГИ «ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ» МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНДИ

Венадаги Гиёҳванд моддалар устидан назорат бўйича халқаро қўмита Котибиятида Ўзбекистондаги «Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги» мавзусига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. У республикамизнинг Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ҳамда Австрия пойтахтида жойлашган бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги Доимий ваколатхонаси томонидан ташкил этилди.

Тадбир чоғида унинг иштирокчилари гиёҳванд моддаларнинг ноконунли айланишини бартараф этиш юзасидан мамлакатимизда қўриқлаётган чора-тадбирлар билан яқиндан танишдилар.

Хусусан, бундай тадбирлар анъанавий таразда Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кўнига бағишланиб, наркотик моддаларнинг ноконунли айланиши билан боғлиқ муаммоларга жамият эътиборини қаратиш, аҳоли орасида гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақидаги билимларни ошириш, соғлом турмуш тарзини тadbик этиш орқали ёш авлоднинг тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётганини қайд этилди. Мамлакатимизда гиёҳвандлик профилактикаси, Ўзбекистон ҳуқуқ-тартиботи идораларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш ва бу соҳада республикамизнинг хорижий шериклар халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришга оид атрафлича маълумотлар брифинг катнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан жорий йилнинг июнь ойи «Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги» деб эълон қилингани ҳам мамлакатимизнинг гиёҳванд моддаларнинг ноконунли айланишини бартараф этишга содиқ эканлигидан далолат бериши алоҳида таъкидланди.

Гиёҳванд моддалар устидан назорат бўйича халқаро қўмитанинг ижрочи котиби Андреас Фингерут ушбу трансмиллий хавф-хатар билан курашиш юзасидан Ўзбекистоннинг сайёҳаракатларига қўри баҳо берад экан, бу йўналишдаги ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга тайёр эканлигини қайд этди.

«Жаҳон» АА
Вена

Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги

ЁШЛАР СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИ

Мамлакатимизда ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилаётган доимий эътибор осойишталик ва фаровонлиқнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, энг катта бўлигимиз бўлиши юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат ва бағрикенгликни, миллатлараро тотувлиқни қўз қорачиқдек асраш, ёшларимизни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан ҳимоялаш ҳозирги кунда нақадар долзарб ва муҳим вазифага айланаётганини унутмаслигимиз даркор.

Гиёҳвандлик ана шундай ҳужумлардан биридир. Бу офатнинг домига тушган одам ҳеч қандай равишдан тап тортимайдиган қимсага айланиб қолади. Шу боис мамлакатимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида самарали фаолият йўлга қўйилган. Наркотик моддаларнинг ноконунли айланишига қарши курашиш бўйича давлат тизими шакллантирилган бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилимоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили июнь ойида гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги ўтказиб келинаётгани ҳам ўз самарасини бераётди. Мазкур ойлик доирасида пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирда бу алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий-аҳборот таҳлил маркази, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус ва Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўқувчилар, талабалар ва турли соҳаларда меҳнат қилаётган ёшлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар таълим-тарбияси йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юртимиз истиқболига хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган тадбирлар баркамол авлоднинг тарбиялашга хизмат қилаётди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартиботи идоралари томонидан ёшлар ҳаётига таҳдид солаётган гиёҳвандликнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Наркотик моддалар тарқатувчиларни фош қилиш тадбирлари мунтазам ўтказилаётгани натижасида бундай жиноятларнинг сони кескин камаймоқда. Айниқса, ойлик давомда мамлакатимиздаги барча таълим даргоҳлари, ёшлар фаолият кўрсатаётган қорхона ва ташкилотларда гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Маъруза, семинар ва анжуманлар ҳамда кўргазмали воситалар ёрдамида «заҳри қотиқ» қандай ағъали оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ёшларга кенг тушутирилмоқда. Тадбирлар давомида гиёҳвандлик инсон умрининг заволи экани ақс этирилган фильмлар, роликлар намойиш этилаётгани ёшларни огоҳлиққа қорламоқда.

— Бугунги тадбир бизда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди Низоми номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицей битирувчиси Гузэл Саъдуллаева. — Гиёҳвандликка мубало бўлган қилишини қотилик, босқунчилик, талончилик, ўғрилик, фирибгарлик сингари жиноятларга қўл уриши мумкинлиги ҳаётини мисоллар асосида тушутирилди. Биз бу иллатдан доимо ўзоқ юришимиз зарурлигини яна бир бор чуқур англаб етдик.

Тадбирда мавзуга оид ижтимоий видео-роликлар танлови ғолиблари аниқланиб, уларга ташкилотларнинг қўматбаҳо совғалари топширилди. Таниқли санъаткорлар ва ёш хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар, саҳна кўринишлари тадбирга кўтаринлиқ бағишланди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига талабдорлар диққатига!

Фуқаролар Ўзининг шахсий мулкда бўлган қўп қаватли уйлардаги хонадонларини туман ҳокимликларини ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Сергели, Чилонзор туманларида ҳамда Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳудудидан (мўлжал: машина бозори рўпараси ва Сергели тумани, Қўйлик 5-дахаси рўпарасида) якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: (+99895) 193-03-13 (+99871) 292-71-84

